

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
”Қамчиқавтойўл” ихтисослаштирилган
йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
бош мухандиси



БУЮРТМАЧИ:

«ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК
2022-2023 йил кишки-каров ишларини самарали
утказиш максадида автотранспорт ва машина-
механизмларга керакли булган эҳтиёт кисмлар
етказиб бериш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қамчиқ довони -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. «ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК 2022-2023 йил кишки-каров ишларини самарали ўтказиш максадида автотранспорт ва машина-механизмларга керакли булган эҳтиёт кисмлар етказиб бериш учун

1.2. Танлов охирги қиймати – **143 637 200** (Бир юз кирик уч миллион олти юз уттиз етти минг икки юз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ” ИЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 160018, Узбекистон, Наманган вилоятим Поп тумани, А-373 “Тошкент-Ўш” автомобил йўлининг 230 км, Резак қишлоғи, Булок массиви

Эл.адрес: qamchiqiyfk@mail.ru, qamchiq@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.